

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам арафа куни тонг отгандан сўнг Минодан жўнаб, Арафотга етиб келдилар».

Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Арафотга чиқишдан олдин ғусл қилиб олиш яхшидир. Арафотда туриш ҳажнинг асосий рукнидир. Бусиз ҳаж бўлмайди. Арафа куни заволдан (қуёш қиёмдан оққандан) бошлаб Арафотда туриш вақти киради. Макони эса Арафот деб номланган машҳур жой. Эҳтиёт бўлиб, Арафот чегарасида, вуқуф учун макон ҳисобланган жойда туриш керак. Бошқа жойда туриб қолганларнинг ҳажи ҳаж бўлмайди.

???? ?????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????

????????? ??????? ?????? ?????????????? ??????????????

????????????????????????????? ?????????????? ??????????????????

?????????????? ?????????? ?????????? ??????????????? ???????????????

????????????????????? ?????????????? ??????? ?????????????????????? ??????????

?????? ??????????????? ?????????? ??????? ???????????????

????????????????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????? ??????????

????????? ??????? ?????????????? ??????????????? ??????????????? ???????????????

????????????: النَّاسُ أَفْكَاضَ حَيْثُ مِنْ أَفِيضُوا ثُمَّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Қурайш ва унинг динига бўйсунадиганлар Муздалифада турар эдилар. Улар «ал Ҳумса» деб номланардилар. Бошқа араблар эса Арафотда туришар эди. Ислом келганда Аллоҳ азза ва жалла Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламни Арафотга боришга ва ўша ерда туришга амр қилди. Бу У Зот субҳанаҳунинг «Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар», деганидир».

Бешовлари ривоят қилишган.

Арафотда туриш вақти арафа куни заволдан кейин (кечаси ҳам шунинг ичида), ҳайит кунининг тонги киргунча давом этади. Шу вақт орасида қайси ҳолатда ёки қанча муддат бўлмасин, вуқуфда иштирок этиб қолган киши ҳажнинг асосий рукнини бажарган бўлади. Бу туришда иштирок этмаган одам бошқа амалларни қилган бўлса ҳам, ҳажи ҳаж бўлмайди. Арафотга чиқишда, у ерда туришда доимо «лаббайка» айтилади. Иложини қилган одам Жабалур-Раҳматга, у ердаги катта харсанг тошларга чиқиб дуо қилса, яхши бўлади.

Арафот улуғ мақом бўлиб, у жойдаги дуолар қабулдир. Шунинг учун ҳожи у ерда доимо дуода бўлишга ҳаракат этмоғи лозим. У қалбини ҳозир қилиб, зикрда, қироатда ва илтижода, чин дилдан тазарруъда бўлиши керак. Ушбу жойларда қуйидаги дуоларни қилиш тавсия этилади:

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи. Субҳаналлоҳил ѓа-зийм».

«Лаа илааҳа илла анта. Субҳанака инний кунту миназ-золимийн».

«Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил аъзийм».

«Роббана аатина фиддунйа ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қийна ѓазабан-нар».

«Аллоҳумма аслиҳ лий дийнийаллазий ҳува исмату амрий ва аслиҳ лий дунйаяллатий фийҳа маъоший ва аслиҳ лий аахиротияллати фийҳа маъодий важаълил ҳайата зийадатан лий фи кулли хойрин важаълил мавта роҳатан лий мин кулли шаррин».

«Аъузу биллаҳи мин жуҳдил балааи ва даркиш-шақои ва суъил қазои ва шатаматил аъдаи».

Қуёш заволга кетганида имом жума хутбасига ўхшаш хутба қилади ва пешин билан асрни бир азон ва икки иқома билан жам қилиб ўқийди. Бунинг учун жамоат ва эҳром шартдир. Иккисидан бирини тополмаган одам учун аср жоиз эмас.

Яъни эҳромсиз киши ёки жамоат билан ўқимаган одам пешинни ўқиганидан кейин унга асрни жам қила олмайди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.